O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 24 февраль, № 40 (4193) Шанба

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида «Одамларда мулкка бўлган муносабатни ўзгартириш, деҳқонларимизда ерга эгалик ҳиссини шакллантиришга қаратилган иқтисодий ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги соҳасида чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда» дея алоҳида таъкидлади. Ўтган йили етиштирилган пахта ҳосилининг 86 фоизидан ортиғи, бошоқли доннинг 75 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келгани бунинг ёрқин исботидир.

ШИША ИДИШДАГИ МАЗАЛИ МЕВАЛАР

Бундан ташқари, якунланган йилда фермер хўжаликлари томонидан салкам 200 та агрофирма ташкил этилди. Уларнинг ҳаммаси мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштиришга ҳамда уларни қайта ишлашга ихтисослашгандир. Айни чоғда соҳада ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш, транспорт хизмати шаклланмоқда, маҳсулотларни қадоқловчи ва экспорт қилувчи корхоналар сони ҳам кўпаймоқда. Мисол учун, Қувасойдаги «Делконс» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасини олиб кўрайлик. Бултур ушбу жамоада 2287 тонна мева, 994 тонна помидор қайта ишланди. Ана шу тайёр маҳсулотларнинг бир қисми хорижга экспортга чиқарилди.

Жорий йилда эса қўшма корхона раҳбарияти Қозоғистон, Россия ва Жанубий Кореяга сифатли қадоқланган дала ва боғ маҳсулотларини юбориш мақсадида тегишли шартномаларни тузмоқда. Хомашёни Фарғона вилоятидаги фермер хўжаликлари ва агрофирмалар етказиб беради.

Ўз мухбиримиз.

СУРАТЛАРДА: қўшма корхона биносининг ташқи кўриниши; ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар; ишчи Садоқатхон Деҳқонова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Бугунги кун талаби

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Қонунларни изчил ва оғишмай ижро этиш, қонун устуворлигини таъминлаш Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим шартлари ва асосларидан биридир. Қабул қилинган қонунларнинг ўз вақтида ва лозим даражада амалга оширилишини таъминлаш бугунги кунда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд тармоқлари органлари олдида турган энг муҳим вазифалар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, "бу борада яна қандай қонуний нормалар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши зарурлигини, амалдаги қонун ҳужжатлари бугун нима учун ишламаётганини аниқлаш ғоят муҳим аҳамият касб этади". Олий Мажлиснинг қонунчилик ва назорат вазифалари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, парламент назоратининг асосий мақсади ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари билан уйғун ҳамкорлик орқали жойлардаги ишларнинг ҳақиқий аҳволини ўрганиш асосида барча минтақаларда қонунларнинг ижро этилишини амалий жиҳатдан яхшилашдан иборат. Назорат вазифаларининг муҳим шаклларидан бири эса парламент сўровидир.

Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган семинар-тренинг "Парламент сўрови парламент назоратининг самарали шаклларидан биридир" деган мавзуга бағишланди.

Анжуманда таъкидлаб ўтилдики, халқ томонидан сайланган сенаторлар ва депутатлар амалдаги қонунлар, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, ҳукумат қарорлари ўз вақтида ҳамда талаб даражасида ижро этилиши учун масъулдирлар. Парламент назоратидан кўзланган асосий мақсад ҳам энг аввало қонунлар ижро этилиши самарадорлигини ошириш ҳамда умумхалқ манфаатлари янада пухтароқ ҳимоя қилинишига эришишдир. Парламент сўрови юбориш билан боғлиқ назорат ваколатларини амалга оширишнинг асослари "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунида, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги қонунларда мужассам топган.

Семинар-тренинг иштирокчилари парламент сўровининг ўзига хос хусусиятлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарларини баён этиш талаби билан тезкор мурожаат қилишда ифодаланишини таъкидладилар. Сенатнинг парламент сўрови мамлакат фуқароларининг соғлиғи ва ҳуқуқларига дахлдор, Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг манфаатларига тааллуқли ёки стратегик йўналишдаги умумдавлат аҳамиятига молик муаммолар бўйича амалга ошириб келинмоқда. Бундан ташқари Сенатнинг ҳар бир аъзоси ўзининг вакиллик вазифасини ҳам фаол тарзда адо эта бориб, парламент сўровини, бинобарин назорат вазифасини амалга оширишнинг асосларини яратиб ва кенгайтириб боради. Айни ана шу жиҳатлар парламент назоратининг бу шаклига жўшқинлик ва мослашувчанлик бахш этади ҳамда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ҳокимият бошқа тармоқлари билан ўзаро ҳамкорлигида уни самарали юридик воситага айлантиради.

Семинар-тренинг мобайнида парламент сўрови юбориш борасида чет эл парламентаризми тажрибаси ҳам тилга олинди.

Минтақавий муаммоларни ҳал этишда сенаторлар томонидан парламент сўровини қўлланиш амалиётини, хусусан, Ўзбекистоннинг маҳаллий вакиллик органларида кенгайтиришга алоҳида эътибор қилинди.

Тадбирда кенг кўламда фикр алмашинилди ҳамда парламентнинг амалдаги қонунлар ҳамда ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ва талаб даражасида бажарилишини таъминлашга йўналтирилган назорат ваколатларини амалга оширишнинг шакллари ва усулларини янада такомиллаштиришга қаратилган турли нуқтаи назарлар баён этилди.

Семинар-тренингда сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йил сентябрь ойида Қозоғистон Республикасига давлат ташрифи чоғида имзоланган 2006-2008 йилларда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро маданий ҳамкорликни ривожлантириш дастурига мувофиқ Қ.Жандарбеков номидаги Жетисой қозоқ драма театри жамоаси 16-22 февраль кунлари Жиззах, Навоий ва Тошкент вилоятларида гастроль сафарида бўлди.

ҚОЗОҚ ТЕАТРИНИНГ САФАРИ

Театр жамоасининг пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ўтган якуний концертида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча жабҳаларда, жумладан, маданият ва санъат соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган аҳдлашувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон ва Қозоғистон ижодий жамоаларининг ўзаро гастролларининг уюштирилиши халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничилик алоқаларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Концертда Жетисой қозоқ драма театри жамоаси томонидан ўзбек ва қозоқ халқларининг қуйқўшиқ ва рақслари ижро этилди. Театрлаштирилган томоша намойиш қилинди.

— Жамоамизнинг Ўзбекистондаги гастроли жуда самарали ўтганидан беҳад хурсандмиз, — деди ЎзА мухбирига Жетисой қозоқ драма театри бадиий раҳбари Ж.Есенбеков. — Бизни барча вилоятларда жуда илиқ кутиб олишди. Учрашувларимиз жуда ҳаяжонли ўтди. Буни биз ўзбек халқининг санъатсеварлиги ва юртингизда миллий санъат ривожига қаратилаётган улкан эътибор самарасидан деб биламиз. Ижодий сафаримиз давомида Ўзбекистонда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишдик. Таассуротларимиз чексиз. Улар кейинги ижодий ишларимизга ёрдам беради, деб ўйлайман.

Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири.

Йил сарҳисоби:

ВИЛОЯТЛАР МАВҚЕИ ҚАНДАЙ?

Бухоро

Вилоят фаолларининг воҳани 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 февралда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган йўналишлардан келиб чиққан ҳолда 2007 йилда ҳудудда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган йиғилиш бўлди.

Сирдарёликлар, мана, икки йилдирки, давлатга пахта, ғалла, «кумуш тола» сотиш бўйича шартномавий режаларни ошириб бажаришмоқда. Ўтган йили пахтачиликдан 13,3 миллиард сўм, ғаллачиликдан эса 8,6 миллиард сўм соф фойда олинди. Шунингдек, вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 6,3, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 27,3, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 23,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 3,2, капитал қўйилмалар 38,1, пудрат ишлари 38,6, чакана савдо айланмаси 12,3, пуллик хизматлар кўрсатиш 30,5, ҳудудий экспорт 85,0 фоизга ўсди.

Бироқ йиғилишда қўлга киритилган ана шу муваффақиятлар билан бирга ҳали ечимини кутаётган бир талай муаммолар ҳам борлиги рўй-рост айтилди. Чунончи, қатор туман ва шаҳарларнинг аҳолиси юқори ташкилотларга ичимлик сувининг танқислиги, газ таминотидаги узилишлар тўғрисида тез-тез мурожаат қилишмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жойларда аҳолини муқим иш ўрни билан таъминлашнинг кафолати бўлса-да, вилоятда айнан шу соҳа оқсамоқда. Айниқса, тадбиркорларнинг банклардан кредит олишлари осонлик билан кечмаяпти. Банк ходимларида янги иш бошлаётган кишиларга кўмаклашиш, маслаҳатлар бериш салоҳияти етишмаяпти.

Чет эл сармояси кўмагида янги қўшма корхоналар барпо этиш, фаолияти тўхтаб қолган корхоналарни модернизация қилишда сусткашликлар кузатилмоқда.

Бир мисол. Вилоятда 38 та қўшма корхонанинг фақат 3 тасигина хорижга экспорт қилиб, валюта ишлаяпти. Хўш, қолган корхоналарнинг раҳбарлари ушбу йўналишда нега фаоллик кўрсатмаяпти?

Айрим корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳам ошиб бормоқда. Ташаббус кўрсатиб ишлаётган одамларга қанот бўлиш керак. Шундагина улар эришаётган муваффақиятлар салмоғи янада ортади.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари Н. Хонов иштирок этди.

Жиззах

Вилоят фаоллари йиғилишида якунланган йилда иқтисодиёт тармоқларини тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш борасидаги қизғин фаолият натижасида аҳолининг мулкка бўлган муносабатидаги масъулияти янада ортгани, деҳқонларнинг ерга эгалик ҳисси кучайгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 113,3 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 115,7, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 106,5, чакана товар айланиши 112,8, пуллик хизмат кўрсатиш 115 ва маиший хизмат кўрсатиш 106,8 фоизга ўсди.

Эътиборли томони шундаки, фермерлаштириш жараёни аллақачон тугаган вилоятда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 23 минг янги иш ўринлари яратилди. Катта сармоя, маблағ талаб қилмайдиган касаначиликни йўлга қўйиш натижасида 8406 та оила иш билан таъминланди, доимий даромад манбаига эга бўлди.

Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурида кўзда тутилган 5 та янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. 79 та мактаб таъмирланди. Кўплаб умумтаълим мактабларига замонавий ўқув жиҳозлари, спорт анжомлари келтирилгани таълим-тарбия жараёнида ўз самарасини бермоқда.

Йиғилишда сўзга чиққанлар эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида рўй-рост фикр билдиришди. Масъулиятсизлик, ўзибўларчилик оқибатида йўқотилган имкониятлар ҳақида сўз кетди. Йиллик режалаштирилган кўрсаткичларнинг бажарилмасдан қолиши эса кечириб бўлмас ҳол, дея таъкидланди. Жумладан, акция, инфраструктура, молмулк солиқлари бўйича прогноз кўрсаткичларининг бажарилмаслиги оқибатида маҳаллий бюджетга 201,6 миллион сўмлик маблағ ундирилмасдан қолди.

Бозор иқтисодиёти шароитида четга маҳсулот чиқармасдан туриб, катта даромадни орзу ҳам қилиб бўлмайди. Бу оддий ҳақиқатни ҳар бир раҳбар, тадбиркор яхши билади. Аммо экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган Бахмалдаги «Ал Самор ТИА», «Бахмалинвест», Ғаллаорол туманидаги «Ғаллаорол-Белогорск», Жиззах шаҳридаги «Жиззах Юбус», «Жиззах-шакар», «Адаш ипаги», «Роҳат-Джей» каби қўшма корхоналарнинг кўп йиллардан бери фаолият кўрсатмаётгани таажжубланарли.

Йиғилишда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари бўлган, аҳоли турмуш тарзини кўтаришда муҳим аҳамият касб этадиган мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни кичик бизнес ҳисобига жадал ривожлантириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Вилоят фаоллари йиғилишида Республика Бош вазирининг ўринбосари Н. Хонов иштирок этди.

Самарқанд

Вилоят фаоллари йиғилишида 2006 йилда иқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, тўлов ва шартнома интизомини яхшилаш, иқтисодиётда мутаносибликни кучайтириш йўлида бир қатор ижобий натижаларга эришилгани таъкидланди. Хусусан, 2005 йилга нисбатан ялпи ички ҳудудий маҳсулот ҳажми 8,9 фоизга, саноат ишлаб чиқариш 21,8, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳажми 32, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 10,7, товар айланиш ҳажми 10,3, пуллик хизмат кўрсатиш 24,7 фоизга кўпайди. Маҳаллий бюджет даромадлари прогнози 103 фоизга бажарилди. Йил давомида вилоятда 15 та корхона ишга туширилди, 6 та саноат корхонасида ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилди.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга жиддий эътибор қаратилаётгани амалий ишларда намоён бўлаяпти. Статистик маълумотларга кўра, йил мобайнида тадбиркорлик субъектлари 46,4 фоизга, ажратилган кредитлар миқдори 40,6 фоизга ошди. Кичик бизнес соҳасида 26,9 минг янги иш ўринлари яратилди.

Лекин, йил якунлари чуқурроқ таҳлил этилганда, қўлга киритилган ютуқлар билан биргаликда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаслик, имкониятларни ишга солиш ва мавжуд қувватларни оширишда сусткашликка йўл қўйилгани ҳам кўзга ташланади. Масалан, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда Нарпай, Пастдарғом туманлари ва Каттақўрғон шаҳрида вилоят кўрсаткичидан паст натижага эришилди. 2006 йилда вилоятда фаолият кўрсатган 140 та қўшма корхонадан бор-йўғи 28 таси экспортга чиқди, холос. Ургут туманида рўйхатга олинган 9 та қўшма корхонадан бирортаси ҳам бу жараёнда иштирок этолмади.

Йиғилишда хусусийлаштириш дастурининг бажарилиши талаб даражасида эмаслиги таъкидланди. Кузатув кенгашлари, тафтиш комиссиялари деярли ишламаяпти. Иқтисодий ночор акциядорлик жамиятларига нисбатан қўлланаётган тадбирлар самараси сезилмаяпти.

Фаоллар йиғилишида 2006 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ишларга танқидий жиҳатдан баҳо берилди. 2007 йил ҳар бир самарқандлик учун ўта масъулиятли йил бўлиши, кўҳна шаҳарнинг 2750 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш лозимлиги айтилиб, «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг устувор вазифалари белгилаб олинди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари Э. Шоисматов иштирок этди.

Э. ЁДГОРОВ, ЎзА мухбири.
А. ХОНИМҚУЛОВ, Б. САТТОРОВ, А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Шунингдек, мазкур масалани муҳокама қилган фаоллар йиғилиши Навоий вилоятида ҳам бўлиб ўтди. Мамлакатимиз Президентининг дастурий маърузаси Вазирлар Маҳкамаси мажлиси минбарида янграганидан буён ўн кундан зиёд вақт ўтди. Кўпчилик ҳудуд ва тармоқ мутасаддилари ўз ишларини мазкур маърузада қўйилган талаблар нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқдилар.

«Халқ сўзи» минтақалардан тайёрланган ахборотлар туркумини бугун якунламоқда. Газетхонлар эътибор қилишган бўлса, мазкур мавзудаги чиқишларда имкон қадар мамлакатимиз иқтисодиётига ҳудудлар ҳиссасини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик. Зотан, умум ишига ҳар бир минтақа ўз улушини англаб етгандагина мақсад сари астойдил интилиш бўлади.

Албатта, фаолиятимиздаги танг жойларни аниқлаш, етилган муаммоларнинг ечимини белгилаш эзгу ишнинг дебочаси. Аммо ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Яъни зиммадаги бурч ва вазифалар ҳақида фаоллар йиғилишида танқидий руҳда гапириш билан кўнгилни хотиржам қилиш мумкин эмас. Муҳими, анжуманларда айтилган гапларни амалда кўрсатиш, халқ кўнглига йўл топиб ишлашда.

Фаол ёшлар форуми

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси қошидаги "Келажак овози" Ёшлар ташаббуслари маркази ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Қисқа вақт ичида марказ ўз атрофига минглаб йигит-қизларни бирлаштирди.

Куни кеча пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Келажак овози" Ёшлар ташаббуслари марказининг учинчи форуми ўтказилди.

Марказ ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш, орзу-интилишларини, лойиҳаларини рўёбга чиқаришда кўмак бериб келмоқда.

Форумда марказ аъзоларининг бугунги фаолияти, ёшлар томонидан жамиятга татбиқ этилаётган янги ғоя ва таклифлар таништирилди.

— "Таълим грантлари дастури"да ғолиб бўлган эдим, — дейди марказнинг маданият ва санъат йўналиши етакчиси Шерзод Шерматов. — Кейин Ёшлар ташаббуслари марказига аъзо бўлдим. Қисқа вақт ичида тенгдошларимиз учун кўплаб маданий тадбирлар ўтказдик. Ҳозирда сафимизни янада кенгайтириш учун республикамизнинг барча вилоятларидаги ёшлар билан алоқаларни мустаҳкамлаяпмиз.

Форумнинг бадиий қисмида "Ниҳол" мукофоти совриндорлари ҳамда жамғарма томонидан кашф этилаётган ёш ижрочилар чиқиш қилишди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ислоҳот қирралари

Халқимизнинг ғайрат-шижоати, яратувчилик қудрати туфайли Ўзбекистон қисқа муддатда жаҳонга танилди. Пировардида 2006 йил якунларига кўра Халқаро валюта жамғармасининг ижобий баҳоларини олишга эришдик. Республикамизда ўтган йилда иқтисодиётнинг ўсиши солиштирма нархларда олиб қараганда, 2000 йилдагига нисбатан 45 фоизни ташкил этибди. Мамлакатимиз Президенти Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунларига бағишланган мажлисида таъкидлаганларидек: "Ўтган йилда эришилган ўсиш суръатлари ва юксак макроиқтисодий кўрсаткичлар жамиятимизнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилган кўп йиллик машаққатли ва мураккаб ишларнинг мантиқий натижаси, мамлакатимиз иқтисодиётини изчил ва барқарор ривожлантиришнинг амалий намоёни бўлди".

СОЛИҚ ЮКИНИ КАМАЙТИРИШ

иқтисодиётимизнинг устувор йўналишларидан биридир

Мажлисда ҳақли равишда таъкидлаб ўтилганидек, "иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш фаоллигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлашда пухта ўйланган, биринчи навбатда солиқ юкини камайтиришга қаратилган солиқ сиёсатини ўтказиш муҳим аҳамият касб этди". Маълумки, ўтган йили юридик шахслар даромадларидан (фойдасидан) олинадиган солиқ ставкалари 15 фоиздан 12 фоизгача, дивиденд ва фоизлардан олинадиган солиқ 15 фоиздан 10 фоизгача, ягона ижтимоий тўлов эса 31 фоиздан 25 фоизгача камайтирилиб, экология солиғи бутунлай бекор қилинган эди.

Солиқ имтиёзларининг босқичма-босқич кенг қўлланила бориши корхона, компания ва хўжаликлар молиявий ресурслари кучайишига, бу эса инвестициялар ўсишига, корхона айланма маблағларини тўлдириш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашни оширишга ижобий хизмат қилаётир. Шунинг учун ҳам солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш 2007 йилнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Бунга мувофиқ жорий йилда даромад солиғи ставкаларини 12 фоиздан 10 фоизга, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 13 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов ставкасини 24 фоизгача камайтириш мўлжалланмоқда. Шунингдек, тиббиёт, таълим, спорт объектларини сақлаш харажатлари корхоналар солиққа тортиладиган базасидан чиқарилади, жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ ставкалари ҳам сезиларли даражада пасайтирилади.

Таъкидланганидек, бошқа соҳалар ва жараёнлар бўйича ҳам солиқ юкини пасайтиришга оид муҳим таклифлар билдирилганки, уларнинг ишлаб чиқариш, технологик янгиланиш самарадорлигини оширишга ижобий таъсири шубҳасиздир.

Энди масаланинг иккинчи томони ҳақида. Солиқ сиёсатини эркинлаштириш туфайли солиқ тўловчиларга кўпдан-кўп имтиёзлар берилаётган экан, бу ўз навбатида солиқ йўқотишлари ҳам ҳисобланади. Хўш, ушбу йўқотишларнинг ўрнини қандай қоплаш мумкин? Бошқача айтганда, солиқ имтиёзлари қўлланилишидан пайдо бўладиган зарар ўрни қандай манбалар ҳисобидан қопланади?

Гап шундаки, ҳар қандай имтиёзнинг тагида моддий ёки маънавий рағбатлантириш ётади. Солиқ имтиёзлари қўлланилиши туфайли пайдо бўладиган илк моддий рағбатни аввало солиқ тўловчи - ишлаб чиқариш субъекти кўради. Яъни, у камроқ солиқ тўлай боғлиганлиги туфайли қўшимча маблағга эга бўлади. Бу маблағни эса хоҳласа, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, хоҳласа, қўшимча ишчи ўрни ажратишга ёки иш ҳақини кўпайтиришга жалб қилиши мумкин. Муҳими, ҳар қандай ҳолатда ҳам корхона ишлаб чиқариш салоҳияти ошади. Бу корхонанинг даромади кўпайди, деган сўздир. Демак, солиқ тўлови ҳам гарчи паст ставкада бўлса-да, кўпайса кўпаядики, асло камаймайди. Ўртада корхонанинг ишлаб чиқариш қўлами кенгайганлиги фойда бўлиб қолаверади.

Иккинчидан, солиқ юкининг босқичма-босқич енгиллаштирилиб борилиши кичик ва ўрта бизнесда ишлаб чиқарувчи субъектлар - солиқ тўловчилар сонининг кўпайишига олиб келади. Биз учун муҳими ҳам шудир. Яъни, 2007 йилнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишга эришишдир.

> ***Биз 2007 йилда кичик бизнеснинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва ролини янада ошириш чораларини кўрмоқдамиз. Жорий йилда бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 45 фоизга етказиш устувор вазифа сифатида белгиланган ҳаммамизнинг дилимизда туриши керак.***

Пахтачи туманида қурилиш-таъмирлаш ишларига ихтисослаштирилган "Дилшодбек" хусусий фирмаси бор. Фирма ўтган йили ўз фаолиятидан 130,8 минг сўм даромад олиб, 9.897,0 минг сўм ягона солиқ тўлаган. Жорий йилда эса ягона солиқ ставкасини 12 фоиздан 10 фоизга пасайтирилиши фирмага бултурги даромад ҳисобидан 2.283,9 минг сўм қўшимча маблағ қолдираяпти. Шу тумандаги ғишт ишлаб чиқарувчи "Брик СПЗ" масъулияти чекланган жамияти эса ўз фаолияти доирасида солиқ юкининг пасайтирилишидан 609,3 минг сўм қўшимча фойда кўраяпти.

Далил сифатида келтирилаётган рақамлар мўъжаз бўлганлиги, яъни озчиликни ташкил этганлиги туфайли баъзиларни қониқтирмаслиги ҳам мумкин. Аммо бир ёқлама хулоса чиқаришга шошилмайлик. Агар мамлакат ички ишлаб чиқаришини ана шундай кичик корхоналар юз фоиз қоплаб олганда эди, ўтказилаётган ислоҳотлар самараси бундан-да тезроқ юзага чиққан бўлар эди. Гап икки миллион ёки 600 минг сўмда эмас. Гап нечта кичик бизнес субъекти икки миллион ёки 600 минг сўмлик маблағга эгалик қилаётганида. Уларнинг сони қанчалик кўпайса, ички ишлаб чиқаришимиз самарадорлиги шунчалик ошади, бозорларимиз ва ўрта бизнесда ишлаб чиқарувчи субъектлар - солиқ тўловчилар сонининг кўпайишига олиб келади. Биз учун муҳими ҳам шудир. Яъни, 2007 йилнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишга эришишдир.

Пахтачи туманида қурилиш-таъмирлаш ишларига ихтисослаштирилган "Дилшодбек" хусусий фирмаси бор. Фирма ўтган йили ўз фаолиятидан 130,8 минг сўм даромад олиб, 9.897,0 минг сўм ягона солиқ тўлаган. Жорий йилда эса ягона солиқ ставкасини 12 фоиздан 10 фоизга пасайтирилиши фирмага бултурги даромад ҳисобидан 2.283,9 минг сўм қўшимча маблағ қолдираяпти. Шу тумандаги ғишт ишлаб чиқарувчи "Брик СПЗ" масъулияти чекланган жамияти эса ўз фаолияти доирасида солиқ юкининг пасайтирилишидан 609,3 минг сўм қўшимча фойда кўраяпти.

Далил сифатида келтирилаётган рақамлар мўъжаз бўлганлиги, яъни озчиликни ташкил этганлиги туфайли баъзиларни қониқтирмаслиги ҳам мумкин. Аммо бир ёқлама хулоса чиқаришга шошилмайлик. Агар мамлакат ички ишлаб чиқаришини ана шундай кичик корхоналар юз фоиз қоплаб олганда эди, ўтказилаётган ислоҳотлар самараси бундан-да тезроқ юзага чиққан бўлар эди. Гап икки миллион ёки 600 минг сўмда эмас. Гап нечта кичик бизнес субъекти икки миллион ёки 600 минг сўмлик маблағга эгалик қилаётганида. Уларнинг сони қанчалик кўпайса, ички ишлаб чиқаришимиз самарадорлиги шунчалик ошади, бозорларимиз рақобатбардош ички маҳсулотлар билан тўлиб-тошади.

Шу маънода вилоятимизда кичик ва ўрта бизнес, бошқа тадбиркорлик субъектлари сонини кўпайтиришга ҳамда уларнинг деярли барчасининг фаолият кўрсатишига эришишга алоҳида эътибор қилинмоқда. Бу борада маълум ютуқлар қўлга киритилди ҳам. Масалан, 2005 йилда рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларининг 81 фоизи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда иштирок этган бўлса, ўтган йилнинг охирига келиб, бу кўрсаткич 93,3 фоизни ташкил этди. Тадбиркорлик субъектлари сони эса бир йилда 37,3 фоизга ўсиб, иш билан банд аҳолининг 74,1 фоизини ўзига жалб қилди. Лекин, барибир, ички ишлаб чиқаришимиз ҳали-ҳануз ўз эҳтиёжларимизга яраша эмас. Вилоят Давлат солиқ идоралари томонидан жорий йилнинг илк 15 кунида ўтказилган рейд текширувлари ҳали ҳам ички бозорларимизга хориж маҳсулотлари турли йўллар билан оқиб келаётганини кўрсатиб берди. Масалан, ўтган кунлар давомида Вазирлар Маҳкамасининг 154-қарори талабларига зид равишда 63 ҳолатда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилган. Натижада четдан ғайриқонуний йўллар билан олиб келинган 12 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар ҳуқуқбузарлар қўлидан олиб қўйилган.

Эътибор қилинг: чет эл моллари ички бозорларимизга нега кириб келаяпти? Чунки шу молларга нисбатан эҳтиёж бор. Чунки шу хил моллар ҳалигача бизда ёки умуман, ёки етарлича ишлаб чиқарилмаётир. Муҳтарам Президентимиз айтганларидек, кичик бизнес ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдирадиган, иқтисодиётнинг таркибий негизини белгилаб берадиган энг муҳим сектор ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғиндир. Шунинг учун ҳам биз 2007 йилда кичик бизнеснинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва ролини янада ошириш чораларини кўрмоқдамиз. Жорий йилда бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 45 фоизга етказиш устувор вазифа сифатида белгиланганини ҳаммамизнинг дилимизда туриши керак.

Бунинг учун эса бир қатор муаммоларни ҳал этиш лозим. Кичик бизнес корхоналарини замонавий ускуналар, ихчам технологиялар билан жиҳозлаш, шу асосда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш шулар жумласидандир. Бунга эришиш учун тармоққа янада яқинлашмоқ, унинг дарду-ташвишини яқиндан ўрганмоқ, муҳими, унга доимо кўмакка тайёр турмоқ талаб этилади. Давлат солиқ сиёсатини эркинлаштириш асосида кичик бизнеси солиқ имтиёзлари билан босқичма-босқич рағбатлантириб туриш ана шундай кўмакнинг амалий ифодаси ҳисобланади.

Рустам ҚЎЧҚОРОВ,
Самарқанд вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи.

МАДАНИЯТ хабарлари

Кўҳна Марғилоннинг 2000 йиллик тўйи тантаналари тобора яқинлашмоқда. Шу муносабат билан Маданият ва спорт ишлари вазирлигида мамлакатимиздаги барча музейларнинг йиғма кўргазмаларини ташкил этиш ва улар иштирокида фестиваль уюштириш кўзда тутилган.

Катта тўй олдидан

Шуниси диққатга сазаворки, фестивалда музейлар турли номинациялар бўйича беллашадилар. Жумладан, фестиваль ғолиблари Ўзбекистон тарихига оид энг ноёб экспонат эгаси, Фарғона водийси тарихи энг чуқур ёритилган экспозиция, Марғилон тарихини тўлиқ ёритган музей, маданий бойликларни намунавий даражада сақлаган музей сиғари бир қатор номинациялар бўйича тақдирланадилар. Айни пайтда тадбирни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи фаолият кўрсатаётир.

Билимдонлар беллашуви

Бобур номидаги Андижон вилоят театрида вилоятдаги олий ўқув юрти талабалари ўртасида билимдонлар танлови ўтказилди.

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир "Талабалик — олтин даврим" шиори остида ўтди. Берилган саволлар ва билимдонлар синови машқларида ўз салоҳиятларини намойиш эта олган Андижон давлат университети жамоаси ғолиб деб топилди. Талабалар ижро этган куй-қўшиқлар, мафтункор рақсларни томошабинлар қарсаклар билан олқишлаб турдилар.

Танловнинг ўрта-махсус касб-ҳунар таълими тизимидаги коллежлар ўртасидаги беллашувлар шу йилнинг апрель ойида ўтказилиши режалаштирилган.

Ҳофизлар куйлаганда

Бухорода "Ҳофизлар базми" беллашувини уюштириш анъанага айланиб қолган. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан ташкил этилаётган ушбу тадбирда вилоятнинг чекка қишлоқ ва овулларида яшаб ижод этаётган ёш истеъдод соҳиблари ҳам кашф этилаётир.

Бу галги беллашувда Соктири қишлоқ маданият уйидан Сайфиддин Бозоров ва ромитанлик Омон Эргашевнинг дастурлари тингланди. Қўшиқлар шашмақом, мавриги йўналишларини ўз ичига олган бўлиб, тингловчиларда катта қизиқиш уйготди. Тадбир сўнгида ҳар икки ширали овоз соҳиблари ташкилотчилар ва ҳомийларнинг мукофотлари билан тақдирландилар.

Бундай тадбирларни вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказиш режалаштирилган.

Хабарларни М. ХОЛМАТОВА ва М. КАРИМОВА тайёрлаган.



Олмалиқдаги "Ролик пласстандарт" очиқ акциядорлик жамиятида ўнлаб ёшлар меҳнат қилади. Улардан бири Илҳом Жўраев токарлик касбини улуғлаб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу касб эгаларидан иш жараёнида ўта зийраклик ва маҳорат талаб этилади. Чунки ясалаётган ёки пардозланаётган буюм атиги бир миллиметрга ўзгариб қолса, у яроқсиз матоҳга айланиши мумкин. Буни чуқур ҳис қилган Илҳом ўз ишига ҳамиша масъулият билан ёндошади.

СУРАТДА: токар И. Жўраев иш устида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Интернат «Интернет»да ғолиб

Мингбулоқ туманининг Жомашўй шаҳарчасидаги 13-мактаб-интернат таълим-тарбия ишларининг юқори савияга кўтарилганлиги билан атрофдаги билим даргоҳларидан ажралиб туради. Аниқ фанлар ва тилларга ихтисослаштирилган мазкур илм даргоҳи «Йилнинг энг яхши мактаби» кўрик-танловининг вилоят босқичида олий ўринни эгаллаб, имкониятларини мамлакат миқёсида синаб кўрадиган бўлди.

Миллий дастур ниҳоллари

Муваффақиятлар сири таълим соҳасидаги ислоҳотларда фаол қатнашаётган педагогик жамоанинг муттасил интилиш ва изланишларида. Беш юзга яқин иқтидорли ўқувчи таҳсил олаётган маскан муаллимларининг иқтидори ҳам шунга яраша. 42 нафар педагогнинг барчаси муассасага мутахассислиги бўйича ҳамда педагогика-психология, мамлакат Конституцияси, миллий истиқлол ғояси, Давлат таълим стандартлари асосида тузилган махсус тест асосида синов йўли билан ишга қабул қилинган. Шунинг учун ҳам ўқитиш ишларининг сифат даражаси битирувчиларнинг олий ўқув юртларига киришида яққол кўзга ташланмоқда. Масалан, мактабни кейинги уч йил ичида тамомлаган 167 ўғил-қизнинг 161 нафари олий ўқув юрти талабаси мақомига эришди.

Мактаб-интернат 2003 йилда «Ўзбекистон мактабларида Интернет» дастурида ғолиб чиқиб, интернет тизимидан кечаю-кундуз бепул фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритган эди. Бу, ўз навбатида, ўқитувчилар ва ўқувчилар компьютер саводхонлигини ошириш, машғулотларда интернет ресурсларидан фойдаланиш йўлларини очди. Ўтган давр ичида ўқитувчилар тайёрлаган 20 дан ортиқ, электрон почтадан олинган 100 дан ортиқ компьютер дарсларидан иборат банк яратилди. Илм даргоҳи халқаро ахборот тармоғида ўз сайтини очган. Унда жамоа фаолияти ҳақидаги маълумот ва янгиликлар билан ўзбек, рус, инглиз тилларида танишиш мумкин.

— Ўқийман, ўрганаман, деган болага каттагина хазина — 10530 та китоб фондига эга кутубхонамиз бор, — дейди мактаб-интернат директори Матлуба Мадаминова. — Уларнинг 835 таси инглиз тилидаги адабиётлар. Бултур ёзда Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонаси 161 та ноёб ўқув ва бадиий адабиётлар, энциклопедия, луғатлардан иборат қимматбаҳо фонд совға қилганидан сўнг зиёхонамиз янада бойиди.

Иқтидорлилар мактабининг халқаро алоқалари таълим соҳасида жаҳон тажриба ва ютуқларини ўзлаштиришда қўл келмоқда. Франция, Жанубий Корея, Япония, Россия давлатларида малака ошириб қайтган қатор муаллимлар хорижда ўрганганларини амалиётда дадил қўлламоқдалар.

Фаолиятини халқаро андозаларга бўйлаштираётган бундай изланувчан, тиришқоқ жамоанинг ишларига чиндан ҳам хавас қилса арзийди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

матбуот хизмати раҳбари лавозимига танлов эълон қилади.

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

- *матбуот соҳасида камида 3 йиллик узлуксиз меҳнат стажига эга бўлиш;*
- *илмий иқтисодий мақолалар ёза олиш салоҳияти;*
- *иқтисодиётнинг реал секторлари иши билан таниш бўлиш;*
- *олий маълумот;*
- *ўзбек, рус тилларида ёза олиши;*
- *компьютерда ва интернетда ишлашни билиш;*
- *инглиз тилини билиши танловда имтиёз ҳуқуқини беради.*

Телефонлар: 139-13-06, 139-10-87.

2458330

Парламент ҳаёти

Қарор ижросига бағишланди

Қўқон шаҳрида ўтказилган семинар Олий Мажлис Сенати Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Сенатнинг ва Сенат қўмиталарининг қарорлари ижро этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши ҳақидаги масалага бағишланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон Рспубликаси Олий Мажлиси Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги, уларнинг минтақавий ривожланиш муаммоларини ҳал этишдаги фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш масалалари бўйича гуруҳ раҳбари, Сенатор F. Алиев маъруза қилди. Шундан сўнг мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан Қўқон шаҳрида олиб борилаётган ишлар ҳақида шаҳар ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи аъзоларининг ҳам фикрлари тингланди.

Шунингдек, семинар иштирокчилари доимий комиссиялар ҳамда депутатлар ишлари билан танишиш, тўпланган тажрибалар ҳақида тажриба алмашиш мақсадида маҳалалар, сайлов округлари, корхоналар ва муассасаларга ташриф буюрилиб, халқ депутатлари шаҳар кенгаши доимий комиссияларининг сайёр йиғилишларида иштирок этдилар.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФАРҒОНАЛИК ДЕҲҚОНЛАР АҲДИ



Қиш ғалати келди. Беш кун, ўн кун ҳаво тумтайиб олади, на қор ёғади, на ёмғир. Кейин қор элаб беради. Бир-икки кун ўтгач, тепангизда қуёш ялтираб қолади. Изғиринли қуёш...

Ана шундай кунларда Фарғона вилоятидаги иккиуч туман фермерлари ҳузурида бўлдик, биргалашиб дала айландик. Қишли-қировли кунлар бўлишига қарамай дала йўлларида прицепли тракторлар, юк машиналари кўринади. Шу манзараларни кузатиб борар эканман, ёзёвонлик бир фермернинг гапи эсимга тушиб кетди. «Ерларимиз ухлаяпти, лекин биз уйғоқмиз. Биз мудрасак бўлмайди...»

Фермер тўғри ва лўнда гапни айтди. Деҳқон мудраса бўлмайди. Мудраганлар қандай аҳволга тушиб қолганини ҳамма кўрди. Дарҳақиқат, фермерчилик ҳаракати бошлангандан кейин ўзини шу соҳага уриб, ҳаттоки, туҳмат-шалтоқ билан ер олиб, кейин ўт-алаф бостириб юборганлар озмунча бўлдими? Вақтнинг ўзи барини жой-жойига қўйди. Фермерлик ҳаракатига аралашиб қолган ношуд ва уқувсизлар ўз-ўзидан четга чиқиб қолдилар. Ҳалол рақобат ерларни чинакам эгаларига топширишда ҳақиқий роль ўйнади.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида кузги-қишки тадбирлар ҳар йилдагига қараганда юксак сифат ва тезкорлик билан ўтказилди. Жамики майдонларда шудгорлаш агротехника талаблари асосида амалга оширилди. Шўри ювилиши шарт бўлган майдонларда ерлар ўз вақтида тайёрланиб, поллар олинди. Бу йилги ҳосил ғамида юрган резина этикли деҳқонлар қиш изғиринларига дош бериб, шўр деб аталмиш ҳосил кушандасини кечаси-ю кундузи даф этмоқдалар. Фарғона деҳқонлари бу йилги ҳосилга ҳар қачонгидан ҳам қатъийроқ ишонч билан енг шимармоқда.

Сир эмаски, Фарғона пахтачиликдаги юксак марралари, салмоқли хирмони билан довруғ таратиб келади. Кейинги йилларда ўша хавас қиларли марралардан чекинилди. Деҳқон қишин-ёзин қилган меҳнат ўз самарасини бермади. Бунақа орқага кетишнинг турли сабаблари бор, албатта. Тўғри, пахтачиликда Фарғонанинг аввалги шуҳратини тиклаш ҳақида турли йиғилишларда баланд-парвоз гаплар бўлиб турарди. Лекин, ҳолва деган билан оғиз чучирмиди? Қуруқ кўтаринки гап бошқа-ю, деҳқоннинг гапига қулоқ солиш, унга мададкор бўлиш бошқада! Шундагина яна юз бериши мумкин бўлган навбатдаги инқирозлардан қутулиш, йил-ўн икки ой даласидан бери келмайдиган деҳқоннинг қаддини ростлаб қўйиш, келажакка ишончни янада ошириш мумкин.

...Вилоят деҳқонлари енгил тортадиган пайт ҳам келди. Бугунги кунда далалари бошида парвона бўлиб юрган юзлаб, минглаб фермер хўжаликлари жамоалари кўнглига тугиб қўйган орзуларини ҳис этиш қийин эмас. Ўтган 2006 йилда Президентимиз Фарғона вилоятига икки марта ташриф буюрган эди. Юртбошимиз ҳар икки сафари пайтида ҳам пахта далаларида бўлди, фермерлар, деҳқонлар, мутахассислар билан суҳбатлашди, уларнинг гапларига қулоқ тутди, энг муҳими, уларга ўз қимматли маслаҳатларини берди, йўл-йўриқлар кўрсатди.

Вилоят деҳқонлари кузги-қишки тадбирларни кўтаринкилик билан ўтказаётганликлари замирида оқилона, узоқни кўзлаб берилган йўл-йўриқлар ва амалий кўмак ётганини ҳис этиш қийин эмас. Ҳозир фермерлар учун олтмишдан зиёд мини банклар очилган. Олдинги йиллардаги муаммолар бутунлай барҳам топди. Пахтакор фермерлар учун 135 дан кўпроқ занжирли ҳайдов тракторлари олиб келинди. Тошкент трактор заводидан кўплаб чопиқ тракторлари олиняпти. Фермерлар, шунингдек, лизинг йўли билан турли хил сеялка, борона, ОВХларга ҳам эга бўлишяпти. Туман кимё ўғитлари ташкилотлари минерал ўғитларни бевосита пахта майдонларига яқин жойларда реализация қилишини таъмин этмоқдалар. Фарғона ва Қўқон унитар корхоналари ҳам фермерларга қулайлик туғдириш мақсадида ёнилғи-мойлаш шохобчаларини пахтакорларга яқинлаштирдилар.

Кўриниб турибдики, илгари муаммолар қуршовида қолган деҳқон учун қулай ва равон йўллар очиляпти. Яна битта гап. Минглаб километрдаги ички хўжалик зовурлари тозаланмай келинарди. Республика ҳукумати мадад қўлини чўзганлиги натижасида бюджет ҳисобидан 2765 километр ана шундай зовурлар тозаланди, шу тариқа 52,5 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Минг-минглаб гектар ерларда ер ости сувлари сатҳи меъёрида ушлаб туришга эришилди. Шу каби чора-тадбирлар туфайли кучли шўрланган ерлар қарийб 5 минг гектарга камайди. Бу ишлар жўнгина бажарилаётгани йўқ, албатта. Экскаватор паркларидаги жами 202 та қудратли механизмлардан тўла қувват билан фойдаланиш пайидан бўлинмоқда, этяпти, катта-кичик ариқларни тозалаяпти. Фурқат туманидаги «Мусалламхон» фермер хўжалигида бўлганимизда жамоанинг барча пахта майдонларида икки марта шўр ювилгани, машина ва механизмлар экиш мавсумига тахт қилиб қўйилганлигининг гувоҳи бўлдик.

— Пахтадан юқори ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз, — дейди жамоа бошлиғи Дилмурод Раҳмонов. — Халқимизда ерни боқсанг, ер сени боқади деган ҳикматли гап бор. Майдонларимизни органик ўғитга тўйдирдик. Суғориш тармоқларини тахт қилиб қўйганмиз. Ёнилғи, минерал ўғитдан кўнглимиз тўқ. Экин-текин мавсумига енг шимармоқдамиз. Ҳукуматимиз биз фермерларни қўллаб-қувватлаб турганидан мамнунмиз.

Аввалги йиллардаги лоқайдлик, сансалорлик ўрнини бугунги кунда қатъият ва ишонч эгаллаб бораётганидан мамнун бўласан, киши. Биз кузги-қишки ишларни кутилгандан-да, зиёдроқ қилиб адо этиб, экин-тикин мавсумини интиқлик билан кутаётган фермерларни вилоятнинг деярли ҳамма туманларида учратдик. Масалан, қувалик фермерлар Авазбек Тешабоев билан Абдулаҳад Ҳамидовлар бу йил катта-катта майдонларда пахта етиштиришлари керак. Гап шундаки, номлари зикр этилган бу ғайрат-шижоатли деҳқонларнинг тумандаги бошқа ўнлаб сафдошлари ҳам минглаб гектар майдонларда қишки агротехника тадбирларини пухта ўтказиб, ифодали қилиб айтганда, баҳорги мавсумни кафтини-кафтига ишқаб кутиб туришибди. Мақсад Фарғона замини пахта хирмонини мустақилликнинг ўн олти йиллиги байрами йилида янада юксакроқ уюлишига муносиб ҳисса қўшиш! Қаҳратон қишда ҳам улкан экин майдонларидан қадамини узмаган номдор фермер Мукаррам Турсунова ҳам, олтиариқлик фермер Рустам Сўфиевлар ҳам худди шу фикрда. Олтиариқлик машҳур пахтакор (худо раҳматига олган бўлсин) Тўхтасин Фармоновнинг ўғли Рустамжон Фармонов ҳам вилоятда кўзга кўринган пахтакорлардан бири. Ўтган йили пахта териш мавсумида у Фарғонага ташриф буюрган Юртбошимиз билан кўришган ва бир неча дақиқа суҳбатлашган ҳам эди. Қисқагина суҳбат сўнгида Президентимиз фермер йигитга қараб «Мамлакатимиз тақдири сизга ўхшаган ёшларнинг қўлида. Дадил бўлинг, кўп ишларни қилишга қодирсиз», деганди. Бундай юксак ишонч ёш фермерга қанот бағишлагандек бўлди. Пахта тайёрлаш режасини ошириб адо этди. Тендерда ғолиб чиқиб, яна ўнлаб гектар қўшимча майдонларга эга бўлди. Бу йилги марраси 40 центнердан кам бўлмайди.

... Ҳали қиш изғиринлари тўхтагани йўқ. Дала-туз, боғроғларни қор бўлмасаям, оппоқ қиров қоплаб тонглар отади. Дарахтлар шохи булдурукдан эгилгандек. Лекин, Фарғона далаларида тракторлар шовқини тўхтамайди. Бу ариқ-зовур тозалаётган, далаларга ўғит ташиётган экскаватору прицепли трактор, автомашиналар шовқини. Айтишларича, шу кунларда вилоят далаларига 500 га яқин транспорт воситаси ўғит ташияпти.

Қисқаси, Фарғона деҳқонлари улкан хирмон яратиш мақсадида енг шимариб ишга киришди!

Охунжон ҲАКИМ,
Ўзбекистон халқ шоири.

25 февраль — Кувайт мустақиллиги куни

Кувайт Яқин Шарқдаги энг ривожланган, иқтисодий жиҳатдан бақувват, ўз нуфузи ва салоҳиятига эга давлатлардан бири. Мамлакатда транспорт, алоқа, энергетика ва бошқа соҳалар кенг ривожланган. Кувайт нефть заҳиралари ва қазиб олиш бўйича дунёда энг олдинги ўринлардан бирида туради. Шу йил 25 февраль куни Кувайт давлати мустақилликка эришганига 46 йил тўлади. 26 февралда эса мамлакат аҳли Ватан озодлиги кунининг 16 йиллигини нишонлайди.

Ушбу саналар муносабати билан Кувайтнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Одил Муҳаммад Абдурасул Ҳасан ҲАЁТга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

ЯҚИН ШАРҚДАГИ ҲАМКОРИМИЗ

— Элчи жаноблари, аввало, газетхонларимизга Кувайтнинг тарихи ва бугуни, араб дунёсида, мусулмон оламида тутган ўрни ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсангиз?

— Суҳбатимиз аввалида Ўзбекистон аҳлини Ислом конференцияси ташкилоти таркибидаги муассасалардан бири —Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти томонидан мамлакатингиз пайтахти Тошкент шаҳрини 2007 йилда Ислом маданиятининг пойтахтларидан бири деб топилиши билан муборакбод этишга рухсат берсангиз. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон ислом оламида ўзига хос юксак ўринга эга. Юртингизда ислом маданияти, илми, мероси ва ёдгорликларини асраб-авайлаш, бойитиш соҳасида жуда катта ишлар амалга оширилаётганини бугун барчамиз кўриб, билиб турибмиз.

Энди бевосита саволингизга келадиган бўлсак, тарихий маълумотларга қараганда Кувайт шаҳрига 1613 йилда асос солинган. 1961 йили эса Кувайт давлати сиёсий мустақилликка эришган. 1962 йил мамлакатда Конституция қабул қилинган. Шунга биноан Кувайт конституциявий монархия бўлиб, давлатни Амир бошқаради. Ҳозирда Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ Ҳазрати Олийлари Кувайт давлатининг Амиридир. Тахт Вориси – Валийаҳдни Амир танлайди ва танланган номзод мамлакат парламенти – Миллий мажлис томонидан тасдиқланади.

Маълумки, 1991 йилда Ироқнинг собиқ раҳбарияти томонидан Кувайтга қарши агрессия уюштирилган эди. Ўша йилнинг 26 февраль куни босқинчилар мамлакатимиздан қувиб чиқарилган ва Кувайт озод бўлган. Шундан буён ҳар йили 26 февраль мамлакатимизда Ватан озодлиги куни сифатида нишонланиб келинади.

Мамлакатимизнинг умумий ер майдони 17,8 минг квадрат километр бўлиб, асосан саҳродан иборат. Унда тоғлар ҳам, дарё ва кўллар ҳам йўқ. Кувайт давлати маъмурий жиҳатдан 6 вилоятга бўлинади. Юртимиз Ироқ ва Саудия Арабистони билан чегарадош. 449 километрлик чегарамиз денгизга туташ бўлгани учун савдо-сотиқ ишларини асосан сув йўллари орқали амалга оширамиз. Мамлакатимиз аҳолиси 2,3 миллион киши бўлиб, уларнинг 45 фоизи туб кувайтликлардир. 35 фоиз аҳолини бошқа араб давлатларидан келган араблар ташкил этади. Шунингдек, юртимизда покистонликлар, ҳиндистонликлар ва бошқа Осиё мамлакатларидан келган аҳоли ҳам истиқомат қилади. Мамлакатимизда урбанизация даражаси жуда баланд. Аҳолининг 97 фоизи шаҳарларда, бор-йўғи 3 фоизигина қишлоқларда яшайди. Мамлакат нуфуси ҳар йили 3,38 фоизга



Бугунги Ал-Кувайт.

кўпайиб бормоқда.

Кувайт араб дунёсидаги, ислом оламидаги энг бой мамлакатлардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, Ислом Конференцияси ташкилоти, Араб давлатлари лигасида ўз нуфузига, ўз ўрнига эга. Мамлакатимиз раҳбари Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ Ҳазрати Олийлари бу ташкилотларнинг йиғилишларида Яқин Шарқ, араб дунёси муаммоларини ҳал этиш бўйича кўплаб ташаббуслар билан чиққан ва бу ташаббуслар доимо қўллаб-қувватланган.

— Элчи жаноблари, Ўзбекистон ва Кувайт давлатлари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига ўн йилдан кўпроқ вақт бўлди. Шу қисқа фурсат ичида икки томонлама муносабатларда нималарга эришилди?

— Икки томонлама муносабатлар ҳақидаги гапимни мен учун қувончли воқеадан бошласам. 22 февраль куни мамлакатингиз раҳбари Ислом Каримов Жаноби Олийларига ишонч ёрлиғи топширдим. Топшириш маросимида икки мамлакат ўртасида барча соҳалардаги алоқаларни яна ҳам кенгайтириш ҳақида гап борди.

Шуни қайд этиш лозимки, Кувайт давлати Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган мамлакатлардан ҳисобланади. Икки давлат ўртасида 1994 йилдан эътиборан дипломатик муносабатлар ўрнатилган ва Кувайтнинг Россиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси ўриндошлик асосида Ўзбекистонда ҳам фаолият юритган. 2001 йилда эса Кувайт давлатининг Амири марҳум Шайх Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ Ҳазрати Олийларининг фармонига кўра Ўзбекистонда Кувайтнинг элчихонаси очилиб, ўз фаолиятини бошлади. Элчихона очилиши ўз навбатида икки томонлама алоқаларнинг ривожида янги босқични бошлаб берди.

Кувайт Давлатининг Амири марҳум Шайх Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ Ҳазрати Олийларининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларининг 2004 йилнинг 19-20 январь кунлари Кувайтга қилган расмий ташрифи икки давлат муносабатларида янги саҳифалар очди. Ушбу тарихий ташриф асосида бўлиб ўтган расмий учрашувларда иккала томон ҳам ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга аҳамият қаратиш зарурлигини таъкидладилар. Муштарак ҳамкорликни ривожлантириш масалалари билан шуғулланадиган ҳукуматлараро қўшма комиссия ташкил этишга келишдилар.

Ташриф давомида Кувайт давлати билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида бешта Битим ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Кувайт Араб иқтисодини ривожлантириш фонди ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди. Ушбу Меморандумга биноан Кувайт фонди Ўзбекистон Республикасидаги бир неча лойиҳаларни амалга оширишга имтиёзли кредитлар ажратди. Президент Ислом Каримов томонидан Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинган 2006 йилда мазкур фонд томонидан Ўзбекистон Республикасидаги 171 та шошилинч тиббий ёрдам марказларини ривожлантириш ва керакли тиббий жиҳозлар билан таъминлаш лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган кредит ажратилганлиги алоҳида эътиборга моликдир.

Шу ўринда яна бир муҳим воқеани таъкидлаб ўтсам. Ушбу ташриф арафасида Кувайтда Президент Ислом Каримов Жаноби Олийларининг араб тилида нашр этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Жаҳон хавфсизлигига таҳдид, минтақавий можаролар, диний экстремизм ва фундаментализм, этник ҳамда миллатлараро зиддиятлар, экологик муаммолар ҳақидаги ушбу китоб Кувайт илмий жамоатчилигида жуда катта қизиқиш уйғотди.

Кувайт Ўзбекистоннинг терроризм, наркотик моддалар контрабандаси, уюшган жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш, минтақавий хавфсизлик, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасидаги ташаббусларини ҳамиша қўллаб-қувватлаб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки Яқин Шарқ, Ироқ, Афғонистонда тинчлик ўрнатилмас экан, ушбу минтақалардаги бирорта давлат ўзини хавфсиз ҳис эта олмайди.

2005 йилда Кувайт давлатида Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси очилди ва бу икки томонлама алоқаларни янада ривожлантиришда ва масъул раҳбарларнинг ўзаро ташрифлари кўпайишида муҳим роль ўйнамоқда. Бунга 2006 йилнинг 22-27 ноябрь кунлари Кувайт давлати коммуникация вазири Доктор Маъсума ал-Муборак бошчилигидаги аёллар ҳайъатининг Ўзбекистонга ташрифини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу нуфузли ҳайъат Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова таклифига биноан юртингизга келди. Ушбу ташриф асосида вазир Маъсума хоним Ўзбекистондаги бир қанча идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари билан учрашиб, икки давлат ўртасида турли соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари борасида суҳбатлашди.

Ташрифлар бўйича яна бир мисол. Яқиндагина Кувайт давлати Амирининг Девон ишлари вазири Шайх Носир Сабоҳ ал-Аҳмад ас-Сабоҳ Жаноби Олийлари Ўзбекистонга ташриф буюрди ва мамлакатларимиз орасидаги алоқаларни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ва Кувайт давлатлари ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий, савдо-сотиқ алоқалари ўзаро тенглик ва ишонч асосида йил сайин кенгайиб бормоқда.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ суҳбатлашди.

Ёш олимлар анжумани

Пойтахтимизда "Мамлакатимизнинг йирик шаҳарларида табиий офатлар (зилзилалар) хавфларини баҳолаш ва камайтириш" мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси М.Т. Ўрозбоев номидаги механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти томонидан ташкил этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, жаҳон мутахассислари тадқиқотларига кўра, йил сайин табиий офатлар сони ортиб бормоқда. 1960 йилларда дунё мамлакатларининг табиий офатлардан кўрган зарари 20 млрд. АҚШ долларига тенг деб баҳоланган бўлса, 70-йилларда 30 млрд., 80-90 йилларда 90-100 млрд. долларни ташкил этган. Дунё бўйича ҳар йили 250-300 минг киши табиий офатлар қурбони бўлмоқда. Ўзбекистонлик ва Буюк британиялик ёш олимлар иштирок этган анжуманда мана шундай статистик маълумотлар таҳлил этилди.

Мамлакатимизда зилзиланинг содир бўлиш эҳтимолини камайтириш ва уни баҳолаш юзасидан академик Т.Рашидов бошчилигида олиб борилаётган тадқиқот ишларига юқори малакали мутахассислар жалб этилган. Улар хорижлик олимлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйишган. Ушбу гуруҳ 2000-2004 йилларидаги "Тошкент ва Бишкек шаҳарларида сейсмологик эҳтимолни камайтириш ва баҳолаш" грантига сазовор бўлишди. Таъкидлаш жоизки, Буюк Британиянинг Нориж шаҳри университети доктори Пол Бартон мамлакатимиздаги сейсмологик вазиятни ўрганиб чиқиб, Ўзбекистонда сейсмик эҳтимолни камайтириш юзасидан қўплаб самарали натижаларга эришилганини қайд этди.

Анжуманда мамлакатимиз ва хорижлик ёш олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари ҳам таҳлил қилинди. Улар ўзаро тажриба алмашдилар.

Юлдуз РИЗАЕВА, "Халқ сўзи" мухбири.

ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги ПҚ-407-сонли қарорига мувофиқ

«НАВОИАЗОТ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 49% АКЦИЯЛАР ПАКЕТИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР ўтказилишини эълон қилади.

«НАВОИАЗОТ» ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 49 (қирқ тўққиз) фоизини ташкил этувчи 369 311 (уч юз олтмиш тўққиз минг уч юз ўн бир) дона оддий акциялари сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси – 60 009 600 (олтмиш миллион тўққиз минг олти юз) АҚШ долларини ҳамда корхонанинг инвестицион эҳтиёжлари 42 000 000 (қирқ икки миллион) АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорни ташкил этади. Шу билан бирга, «НАВОИАЗОТ» ОАЖнинг 49% акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчиси устунликка эга бўлади.

«НАВОИАЗОТ» ОАЖ Навоий шаҳрида жойлашган. Корхона минерал ўғитларни ишлаб чиқариш мақсадида табиий газни қайта ишлашга ихтисослаштирилиб, шунингдек, турли хил органик синтез маҳсулотлари ва акрил толаси (нитрон)ни ишлаб чиқариш учун қурилган. Ишлаб чиқаришда қўлланиладиган асосий хомашё бўлиб, табиий газ, ҳаво, сув, каустик сода, туз ва бошқалар ҳисобланади. Корхонанинг асосий ишлаб чиқарувчи маҳсулотлари: суюқ техник аммиак, азот кислотаси, аммиак селитраси, аммоний сульфат, аммиак суви, ацетилен, аргон, нитрон, сирка кислотаси, натрий цианит, тиомочевина, каустик сода ва бошқа кимёвий маҳсулотлар.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризаси ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилга мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 20 апрелда Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.

Тендер таклифларини очиш 2007 йил 20 апрелда Тошкент вақти билан соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:
Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:
Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 700003, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй,
Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.
Бош директор Фозилжонов Эркинжон Собиржон ўғли эътиборига.
Телефон: +998 (71) 139-22-51.
Факс: +998 (71) 139-22-79.
Эл. почта: ccpbuz@tps.uz

177-18/247

INVITATION TO TENDER

STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

based on the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan #PP-407 dated July 10, 2006 hereby announces

the Open Tender for Privatization Sale of the 49% Share Package of Joint Stock Company "NAVOIAZOT"

369 311 (Three hundred sixty nine thousand and three hundred eleven) shares of common stock of Joint Stock Company "NAVOIAZOT" constituting the aggregate of 49% of the Company's total issued shares are being offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is 60 009 600 (sixty million nine thousand six hundred) US Dollars.The investment needs of enterprise are composed not less than 42 000 000 (forty two million) US Dollars. At that, the preference will be given to the tender participant ready to offer the highest bid for the 49% of shares of the Company and take upon the highest value of investment obligations.

JSC "NAVOIAZOT" is situated in Navoi city. The enterprise has been constructed as specializing on processing of natural gas for the purpose of manufacture of mineral fertilizers, and also the big assortment of products of organic synthesis and acrylic fiber (nitron). Raw material for the basic production are natural gas, air, water, caustic soda, table salt, etc. Primary products of the enterprise are: liquid ammonia technical, nitric acid, ammonium nitrate, ammonium sulfate, ammoniawater, acetylene, argon, nitron, acetic acid, sodium cyanide, thiourea, caustic soda and other kinds of chemical products.

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact the address indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon payment made for it, by presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

The Bid submission deadline expires at 12 a.m. Tashkent time on April 20, 2007.

Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. Tashkent time on April 20, 2007.

Tender participants or their authorized representatives, which have submitted Tender Bids in accordance with established procedures, have the right to participate at the opening of the packages with tenders Bids.

For all issues related to the tender, please contact:
The Work Body of the State Property Committee:
CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau
State Property Committee Bldg., 17th Floor
Uzbekistanskaya str. 55, 700003 Tashkent, Uzbekistan

Attention: Mr. Erkinjon S. Foziljonov
Director General
Telephone: +998 (71) 139 22 51
Fax: +998 (71) 139 22 79
Email: ccpbuz@tps.uz

177-28/247

Спорт

Футбол бўйича мамлакат XVI миллий чемпионати ўйинлари бошланишига ҳам яқин кунлар қолди.

«Пахтакор» Туркияда

Мамлакатимиз бош жамоаси «Пахтакор» сўнгги ўқув-тайёргарлик йиғинини Туркиянинг Анталия шаҳрида ўтказди.

Юртдошларимиз бу ерда бир нечта ўртоқлик учрашувида майдонга тушдилар. Дастлаб, Владикавказнинг «Алания» жамоаси 1:0 ҳисобида мағлуб этилди. Қозоғистоннинг «Актобе»(1:1) ва Украинанинг «Заря» (2:2) жамоалари билан кечган учрашувда дуранг натижалар қайд этилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўртоқлик учрашувларида нигериялик легионер Ихероуме Уче яхши ўйин намойиш этди. У уч бор рақиблар дарвозасига тўп киритди.

Сўнгги маълумотларга қараганда, 19 ёшли нигериялик футболчига Ўзбекистон анча ёқиб қолган кўринади. У Ўзбекистон фуқаролигини қабул қилиш ниятини билдирган. Яна бир янгилик. Яқин кунларда яна бир нигериялик футболчи Бенедикт «Пахтакор» сафига қўшилиши мумкин.

З. ЖОНИБЕКОВ.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКИНВЕСТ» ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

ҚУЙИДАГИ ИНШООТНИ ТЎЛАЛИГИЧА ҚУРИБ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИШ ШАРТИ БИЛАН ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси Самарқанд вилояти филиали биносини капитал таъмирлаш.

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 4 ой.

Қурилиш ишлари «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
Буюртмачи манзили: Самарқанд шаҳри, Почтовая кўчаси, 13-уй. Телефон: (8-3662) 33-08-82.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.*

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдони, 2-Г корпус, 208-хона. Телефон: 33-32-00. Факс: 31-13-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 60 000 (олтмиш минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдонида, соат 18.00 да, Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

ДИҚҚАТ!

Ўзбекистонда илк бор омонатларни кафолатлаш тизими қуйидаги кредит уюшмаларида ишга туширилмоқда:

1. **«Аср» (Андижон ш.).**
2. **«Авиценна» (Бухоро ш.).**
3. **«Ишонч» (Жиззах ш.).**
4. **«Ласточка» (Навоий ш.).**
5. **«Нурафшон» (Фарғона вил.).**
6. **«Осиё Траст» (Тошкент ш.).**
7. **«Шердор» (Самарқанд ш.).**

Омонатларингиз бутлиги Кредит уюшмалари ассоциациясининг «Альянс Гарант» барқарорлаштириш фонди томонидан кафолатланади.

«Альянс Гарант»
Сиздан омонат — биздан кафолат!

Хизматлар лицензияланган.

МЎЪЖАЗ ХОТИРА

Фарғона томонларга йўлим тушса, Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар» ёки Кибриё опанинг «Чорак аср ҳамнафас» китобчасини ола кетаман. Қўқон атрофидаги Яйпан, Ултарма, Рапқон, Қудаш каби қишлоқларни қайта кезиб, Абдулла аканинг болалиги ўтган йилларни эслагим келади. Ё бўлмаса, ўша мушфиқ ва жонсарак аёл — Кибриёхонимнинг Абдулла Қаҳҳор деб чеккан заҳматларига яна бир қур офарин айтаман.

УСТОЗНИНГ ГУЛЛАГАН БОҒИ

Биз Кибриё опа билан яқин эдик. Айниқса, мен Ёзувчилар уюшмасида ишлаган йилларим у киши билан тез-тез кўришиб турардик. Кунда-кун ора мен сим қоқар, ҳафта сайин опани зиёрат қилишга уринардим. Ишларим кўпайиб, сал кечиксам, опанинг ўзлари ярим ҳазил, ярим чин оҳангда гинахонлик билан телефон қилар, «Мавлоно, улуғ адибне бевасине қўлидан як пиёла чой ичгани вақтлари истифода этмайдиму?» деб куларди. Мен узр айтардим ва «Буюк устознинг зукко бевасига саломлар бўлсин» деб бир тарафи музей, бир тарафи хонадонга айлантирилган файзли ҳовлига кириб борардим. Опа раҳматлик ниҳоятда уста паназанда эди. «Мана бу домлангиз хуш кўрадиргон сомуса, буниси ялпизлама, мана бу сутпатир», деб дастурхонни тўлдириб ташларди. Тушлик баҳона тарих ҳақида, хусусан, мумтоз адабиётимиз, тил жилолари, айрим қаламкашларнинг тилимизга эътиборсизлиги борасида куюнчак фикрлар айтиларди. Кибриё опа форс, рус, ўзбек тилларини мукаммал эгаллаган, айниқса, тиллардаги муқобиллик (синоним) масаласида манман деган тилшунос олимдан қолишмасди.

— Бизнинг ота-боболаримиз уч тилда бемалол гаплашганлар: арабий, форсий, туркий, — дерди у киши. — Ҳозир-чи? Баъзи шўринг қургур ёзувчи битта ўзбек тилида эплаб ёзолмайди. Номи чиққан бир ёзувчингиз уялмай-нетмай «Катта муҳаббат» деб ёзибди. Муҳаббат қовун эмас, унинг катта-кичиги бўлмайди. Ўзбеклар чин муҳаббат дейди, асл муҳаббат дейди. «Катта муҳаббат» — бу ўрисчадан ўгирилган ибора. Тунов куни бир таклифномага кўзим тушди. «Сизни лутфан таклиф этамиз» дебди. «Лутфан» дегани, бу — аслида таклиф этишга арзимайсизу, аммо марҳамат юзасидан сизни ҳам чақира қолдик, дегани. Биз гоҳида чиройли сўзларга маҳлиё бўлиб кетиб, кўнглимизга келган нарсани ёзаверамиз, бечора меҳмон «лутфан» таклиф этилганига хурсанд бўлиб зиёфатга ошиқади. Тилга эҳтиёт бўлиш керак, тилга қоқилган одам ўзини ўнглай олмай қолиши мумкин.

Бу сафар Катта Фарғона канали бўйидаги бир оромгоҳда дам олардим. Ёзнинг чилласи. Кибриё опанинг китобчасини варақлаб ётиб, кўзим илинибди. Туш кўрибман. Тушимда болалигимга қайтибман. Ўртоқларим билан катта анҳор бўйида ўйнаб юрган эмишман. Баҳор, ҳамма ёқ чаман бўлиб гуллаган. Биз ўйин билан бўлиб, бир сайхонликка бориб қолдик. Бу ер бозор экан. Лекин нимагадир асосан чопон, белбоғ, дўппи каби кийимлар сотилаяпти. Лўмбиллаган, чиройли бир аёлнинг қўлида бир тахлам дўппи. Аёл бошига ҳам чуст дўппи кийиб олган. Шу пайт қаердандир оппоқ сочларини ярқиратиб Абдулла Қаҳҳор пайдо бўлди. У тўғри ҳалиги аёлнинг олдига келди. Дўппиларни битта-битта олиб кўрди. Аёл нимадир деб жавради ва чиройли марғилоний нусха дўппини Абдулла акага кийдирди. Домла тағин биттаяримта дўппини кийиб кўрган бўлди-ю, биттасини танлади. Аёлнинг этагига жаранглатиб бир ҳовуч кумуш танга ташлади. Аёл шарақлаб кулди. Абдулла ака чўрт ортига бурилди ва анҳор ёқалаб кета бошлади. Биз у кишига эргашдик. Абдулла ака кичкина бир кўприкдан ўтиб, оппоқ бўлиб гуллаган катта боққа қадам қўйди. Бизлар боққа киргани ҳаддимиз сиғмай тўхтаб қолдик. То Абдулла аканинг салобатли бўйлари кўринмай кетгунча у кишининг изидан ҳавас билан қараб турдик...

Қушлар чуғуридан уйғониб кетдим. Тушимнинг таъбирини ўйладим. У чарақлаб турган ёз офтобидек равшан эди. Агар аёлларни илҳом париси деб тасаввур қилсак, Абдулла ака ўша пари қўлидан шараф тожини кийиб, Ўзбекистоннинг абадий гулгун боғи — адабиёт оламига кириб кетганлиги чин ҳақиқат эмасми?

Меҳри дарё Шукур ака

Шукур Бурҳонов истеъдодли, ҳалол, санъатга садоқатли ёшларни бағрига олиб, уларга оталиқ, устозлик қиларди. Ана шундай шогирдларидан бири Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комиловдир.

Бир сафар Ҳамза театри (ҳозирги Ўзбек миллий академик драма театри) Фарғонага гастролга борди. Ўша кунлари Эркин Комилов Киевдан телеграмма олди. Уни ўқиб, кўзлари ёнди, севиниб Шукур аканинг ёнига чопди.

— Шукур ака, мен проба (синов)дан ўтибман, Киев тез келинг, кинога тушасиз, деб чақиряпти!

— Қуллуқ бўлсин! — деди Шукур ака, шогирдининг омадига қувониб. — Яхши бориб кел!

Эркин бирдан бўшашди. У биладики, театр директори осонликча жавоб бермайди. Чунки Эркин спектаклларда катта-катта ролларни ижро этарди. Шуни ўйлаб, Эркин устозига ялинди:

— Шукур ака, директордан бир ҳафтага жавоб олиб беринг, бунақа омад ҳадеб келавермайди.

Шукур Бурҳоннинг сўзини ҳеч ким икки қилолмас эди. Директор қийналиб, базўр жавоб берди Эркинга. Энди Киевга учиш керак, бироқ ёз фасли, дам олиш мавсуми бўлгани учун отлиққа ҳам чипта топилмас эди. Шукур ака Эркинни эргаштириб аэропортга чиқди. Тўғри бошлиқнинг олдига кирди:

— Мана бу бола шогирдим. У Киевга учиши керак. Бизга билет керак...

— Биз сизни қадрлаймиз, яхши кўрамиз, Шукур ака, — деди бошлиқ, — лекин биттаям чипта қолмади. Олдинроқ айтиб қўйганингизда...

— Бўлмаса, Масковга бера қол чиптангни! — зарда қилди Шукур ака.

— Узр Масковга ҳам йўқ эди...

— Унда Тошканга бордир, Тошканга?! — Шукур аканинг гулдурак товуши янгради, — Тошканга икки билет, тамом!

Хуллас, устоз-шогирд етаклашиб Тошкентга келишди. Шукур ака тағин аэропорт бошлиғининг олдига кириб, Киевга битта, Фарғонага битта чиптани ҳал қилиб чиқди. Эркинни Киевга жўнатиб, ўзи Фарғонага қайтиб кетди.

Шукур Бурҳонов ана шунақа меҳри дарё устозлардан эди.

GURUNG

Бир йигит кулолга шогирд тушди. Анча муддат устозодалик қилгандан кейин устозидан фотиҳа олди ва ўзи мустақил ишлай бошлади. Бироқ ҳарчанд уринмасин, ясаган сопол идишлари устозникидек чиройли чиқмади. Ниҳоят, у бош эгиб устоз ҳузурига келди.

Бир пуф кам бўлибди

ХИКОЯТ

— Уста, ясаган кўзаларим сизникидек чиқмаяпти, — деди ер чизиб.

Устоз шунақа бўлишини биларди. Кейинги пайтда шогирдининг, энди биз устага зор эмасмиз, ўзимиз уста бўлдик, деб керилганини эшитган эди. Шунинг учун у шогирдга кўза ясашнинг кўпгина сирларини ўргатдию, аммо синов учун битта сирни яшириб қолди.

— Нима бўлди, қани бир четидан айт-чи, — деди устоз. Шогирд ёзғирди:

— Ҳамма айтганларингизни қилдим, уста. Аввал лойни пишитдим. Сўнгра уни яхшилаб ийладим. Кейин тобига келсин деб, «дамлаб» қўйдим.

— Кейин?

— Кейин чархга қўйиб, кўза ясадим. Сўнг уни офтобга қўйдим?..

— Хўш, хўш?

— Ундан кейин хумдонга солиб қизаргунча пиширдим. Яна офтобрўяга қўйдим. Яхшилаб қуриткмоқчи бўлдим-да, уста.

Уста «маъқул», дегандек бош ирғади.

— Кейин десангиз кўзага гул сола бошладим. Бироқ қанча уринмай, сизникига ўхшаб ялтираб чиқмаяпти. Маслаҳат беринг, нима қилай, уста?

Устоз киноя қилди:

— Э, бир пуф қолиб кетибдию, ўғлим.

Шогирд ҳайрон бўлибди:

— Қанақа «пуф», уста?

— Ахир хумдондан чиқариб, офтобга қўйгандан кейин кўзани яхшилаб пуфлаш керак. Шунда унга илашган чанг-чунг кетади. Бўлмаса, бўёқни яхши олмайди, демак, кўза ялтирамайди.

— Бу гапни илгари айтмагандингиз, уста.

— Айтмабмидим, э, эсим қурсин, — деб маъноли кулимсиради уста.

Шогирд бир нарсани англагандай бўлди. Ҳеч қачон устозга шак келтириб бўлмас экан. Устоз отангдек улуғ, деган нақл ҳам бежиз айтилмаган экан...

Бу ибратли ҳикоятни Навоий бобомизнинг мана шу сатрлари билан якунлагим келади:

Агар шогирд шайхулислом, агар қозидир,
Агар устоз андин рози
— Тангри розидур.

Тил бор — бол келтиради...

Тил тиғи қилич тиғидан ўткир.

* * *

Тиғ жароҳати битар,
тил жароҳати битмас.

* * *

Тил билан тугилган
тугун тиш билан ечилмас.

* * *

Фил кучли, филдан тил кучли.

* * *

Тил кичик, аммо у дунёни бузади.

* * *

Ўн балонинг тўққизи
тилдан келур.

* * *

Тил бор — бол келтиради,
тил бор — бало.

Хо Хишонинг ишонманг...

Бир институт домласи пенсияга чиққач, йиғиб қўйган жамғармасини кўтариб, қариялар уйига олиб борди.

— Бу пулларни мен қишки, ёзги сессияларда талабалардан ундирган эдим. Уларни сизларга топширмоқчиман. Отахонлару онахонларга сарфлангизлар.

Қариялар уйининг директори бу таклифни эшитиб ҳушидан кетиб қолай, деди.

* * *

Самарқанд кўчаларига кумуш баркашдек замонавий соатлар осилди. Бу соатлар Токио, Пекин, Деҳли, Рим, Париж, Лондан каби йирик шаҳарлардаги вақтни аниқ кўрсатиб туради. Самарқанд аҳлининг бу ишидан айниқса, чет эллик сайёҳлар мамнун.

* * *

Норқўзи ўн йил фарзанд кутиб, ниҳоят, муродига етди. Яқинда у ўғиллик бўлди. Эрталабдан машинасини ювиб-таради. Сўнг туғруқхонага қараб учди.

Қайтишда уни назоратчи тўхтатди.

— Ҳужжатларингизни бир кўриб қўяйлик, ака.

Норқўзи ирғиб тушди машинадан.

— Мана, командир, ҳаммаси жойида...

— Ие, ўзингиз жойингизда эмассиз-ку? — деб кулди назоратчи, — отиб олганмисиз?

Норқўзи назоратчини маҳкам қучоқлади.

— Мени табрикланг, командир! Ўғил кўрдик, ўғил! Шунга... кеча оғайнилар билан қиттай-қиттай...

— Муборак бўлсин ўғилча! — деди назоратчи ва суюнчи пулини ҳам олмай, Норқўзини қўйиб юборди.

Саҳифани Саъдулла СИЁЕВ тайёрлади.

Митти ҳажвлар

Сичқонбойнинг таклифи

Бароқ мушукнинг дастидан сичқонлар кун кўролмай қолди. Айниқса, сичқончаларга қийин бўлди. Улар ҳали қочишнинг ҳадисини олмаган-да. Уядан энди бош чиқариб, у ёқ-бу ёққа аланглайман, дегунча мушук тўра лип этиб келадию, бир сичқонни чангаллаб жўнайди. «Бу аҳволда ҳадемай ҳаммамиз қирилиб кетамиз», — деб ўйлади Бобосичқон ва ертўлаю қазноқдаги сичқонларни машваратга чорлади. Йиғилишни ўзи очиб, ўзи бошқарди.

— Қани, кимда қандай фикр бўлса, айтсин, — деди у, — бароқ мушукнинг зулмидан қутулиш учун нима қилиш керак?

Биров у деди, биров бу деди. Охири туғилганига энди бир ой бўлган сичқон бола чийиллаб тилга кирди:

— Менимча, мушукнинг бўйнига қўнғироқ осиб қўйиш керак. Мушук бизни пойлаб йўлга тушганда қўнғироқ жиринглаб хабар беради. Шунда биз ин-инимизга кириб бекиниб оламиз.

Сичқонлар, «Ў, ҳали чилласи чиқмаган бўлса-да, бало экан бу», дея сичқонболанинг ақлига тан беришди. Бобосичқон эса, муртидан кулди:

— Мушукнинг бўйнига қўнғироқни ким осади? Гап мана шунда.

Сичқонлар бир-бирига қараб анграйиб қолишди.

Хитой халқ ҳикматлари

Улкан одам балодан қўрқар,
Баланд дарахт шамолдан.

* * *

Кўзингни тез оч,
Бироқ оғзингни тез очма.

* * *

Қора сигир таёқ еса,
Сариқ сигирнинг юраги ўйнайди.

* * *

Сув пастга оқар,
Одам боласи юқорига интилар.

* * *

Тинчлик ва хотиржамлик. Бу икки калима минг мисқол қуйма тиллодан афзал.

* * *

Яхшилик яширинган
эшикни очмоқ мушкул,
Ёмонлик яширинган
эшикни ёпмоқ мушкул.

* * *

Ҳали юришни билмайдию югуришни ҳавас қилиб қолибди.

Яхшиликка яхшилик

Чумоли сув ичгани дарё бўйига борди. Бирдан тўлқин кўтарилиб уни оқизиб кетди. Бу пайтда ёввойи каптар уясига чўп олиб бораётган эди. Қараса, чумоли чўкиб кетаяпти. Каптар оғзидаги чўпини сувга ташлади. Чумоли хасга ёпишиб, омон қолди.

Бир овчи каптарга тузоқ қўйди. Каптар нафс домига илиниб тузоққа тушди. Шу пайт унинг ёнидан чумоли ўтиб қолди. Қараса, халоскор каптари овчига ем бўладиган. Чумоли овчининг оёғига ёпишиб, жон-жахди билан тишлади. Овчи вой-войлаб, энгашди. Шу пайт каптар тузоқдан қутулдию, пориллаб учиб кетди.

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ

3000 доза икки валентлик, 5000 доза тўрт валентлик ACYW-135 менингококк зардоби, 5000 доза грипп зардоби харид қилишга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ҳисоб-китоб миллий валютада пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Таклифлар 2007 йил 15 мартгача қабул қилинади.

Маълумот учун телефонлар: 160-08-41, 160-01-96.

Saniplast «САНИПЛАСТ» Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонаси

Томчилаб суғориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган Ўзбекистондаги ягона корхона.

Пахтазор, токзор, боғ, сабзавот ва иссиқхоналарнинг томчилаб суғориш тизимларини лойиҳалайди, материалларни етказиб беради ва монтаж ишларини бажаради.

Сервис хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмларни етказади. Мутахассисларимиз экинларни суғориш ва ўғитлашда маслаҳатлар беради.

Буюртма қилсангиз, хизмат сифатига кафолат берамиз.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Тошкент ш., «Қорасув-4» мавзеси, 11-уй. Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони жамоаси масъул ходим Зокир Собирович Зоитовга онаси

Вазира ЗОИТОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Тасвирий Ойина» ижодий уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими ижодий уюшманинг республика бошқаруви раиси Исфандиёр Латиповга падари бузруквори

Ҳудоёрхон ота ЛАТИПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази жамоаси Бухоро вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Нусратилло Шариповга онаси

МАМУР аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика Электротехника тиббиёт коллежи жамоаси коллежда узоқ муддат меҳнат қилиб келган кекса ўқитувчи

Абдурасул АРСЛОНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 153. 40638 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Назбатчи котиб — А. Орипов.
Назбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Назбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5